

## 2025 йилги ҳаж мавсуми учун Мадинада меҳмонхоналарни рўйхатдан ўтказиш бошланди



12:14 / 11.07.2024 13244

Саудия Арабистонининг Мадинадаги турар жой қўмитаси 2024 йил 7 июлдан бошлаб, 2025 йилги ҳаж мавсумига жойларни рўйхатдан ўтказиш учун аризаларни қабул қилишни бошлади. Бу ҳақда [theislamicinformation.com](http://theislamicinformation.com) сайти хабар беради. Аризаларни қабул қилиш даври ҳижрий 1446 йилнинг биринчи кунидан бошланиб, Ражаб ойининг охиригача давом этади.

Ўтган ой икки муқаддас заминда 1,8 миллионга яқин зиёратчи, жумладан, хориждан 1,6 миллион нафар зиёратчи ҳаж ибодатини адо этишди. Расмийлар амалдаги ҳаж визаси зарурлигини таъкидлаб, рухсат этилмаган саёҳатларга кескин чоралар кўрди.

Кўпгина зиёратчилар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларида намоз ўқиш ва у зотнинг муборак қабрларни зиёрат қилиш учун Мадинага ташриф буюришади.

Саудия Арабистони маълумотларига кўра, сўнгги ҳаж мавсумида масжидга 1,3 миллион зиёратчилар ташриф буюрган.